



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT  
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**“ADABIYOT NAZARIYASI VA ZAMONAVIY ADABIY JARAYON”  
KAFEDRASI**



**O'zbekiston Qahramoni, atoqli o'zbek yozuvchisi Said Ahmad  
tavalludining 100 yilligi munosabati bilan**

**«SAID AHMAD IJODINING MA'NAVIY-MA'RIFIY AHAMIYATI VA  
ZAMONAVIY O'ZBEK ADABIYOTI»**

**mavzusidagi**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYASI**

**materiallari to'plami (22 iyun 2020 yil)**

**TOSHKENT -2020**

экан, унинг шеърятига хос бўлган ўйчан фалсафийликни қуйидагича қайд этади:

“Асқад вужуд-вужуди билан шеърга берилиб кетган пайтлар эди. Дўрмоннинг қимиздек хавоси, кўм-кўк осмони, кип-қизил чодир ёпинган, куз офтобида лов-лов ёнаётган ўрик туплари, олис юртларга отланган турналарнинг боғ устидан чуғурлаб ўтишлари, далаларга ёнғоқ “экаётган” қарғаларнинг ерга шўнғишлари, майин оқ ипақдек мезон ипларининг унсиз сузиб ўтишлари, яланғоч новдаларга илашиб қолганларнинг офтобда чакнашлари Асқаднинг шеърларига шундоққина тўкилиб қоларди”.<sup>3</sup>

Бадий сўз санъатига шайдолик ва куюнчаклик, диққат қаратилган ижодкорлар сиймосига эҳтиром туйғуси Саид Аҳмад хотираларининг муҳим сифатларидир. Бу эсталиклар Саид Аҳмаднинг ўз ижодини, унга елкадош ва замондош бўлган адиблар ижодини, яқин ўтмишимиз адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## **САИД АҲМАД ИЖОДИДА КИНОЯ**

Ўраева ДАРМОНОЙ

филология фанлари доктори,

БухДУ профессори.

Ўраева ГУЛШОД

Бухоро шаҳридаги 38-мактаб ўқитувчиси

Саид Аҳмад номи халқимизга носир ва комедиянавис сифатида яхши таниш. Халқ Саид Аҳмад роман, қисса, ҳикоя ва комедияларини севиб ўқийди. Адиб асарлари мактаб дарсликларидан ҳам ўрин олган. Адиб асарларини бунчалик севимли қилган воситалардан бири киноядир.

---

<sup>3</sup> Аҳмад С. Киприқда қолган тонг. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008, 155-бет

Саид Аҳмаднинг жуда кўп асарларида киноядан маҳорат билан фойдаланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Негаки, адиб яшаган ижтимоий муҳитда айрим иллатларни очиқ-ошкора ёзиш имкони бўлмаганидан аксарият ёзувчи-шоирлар қатори у ҳам ўз асарларида воқеликка киновий муносабатни устуворликка кўтарди. Айниқса, порахўрлик, хўжакўрсинлик, лаганбардорлик, кўзбўямачилик, халқ ва жамиятни алдаш сингари иллатлар сатира тифига олинган асарларда киноянинг ўрни яққол кузатилади. Масалан, адибнинг “Собик” номли юмористик ҳикоясида бутун бошли бир мавсумда тракторда пахта териб ном қозонган кишининг мажлисларда, суҳбат ва учрашувларда кўп юриб, вақтида ишига улгурмаганлиги учун “собик”қа айланиб қолишига киноя қилинган.

Саид Аҳмад асарларида киноянинг турлича кўринишлари учрайди. Адиб киноядан услубий восита сифатида фойдаланар экан, кўпинча етакчи қаҳрамон образини бирор-бир ҳайвон ёки қуш образига зид қўйиши кузатилади. Бунда унинг аксараият ҳолларда ит образидан фойдаланиши кўзга ташланади. Масалан, адибнинг “Қоплон” номли сатирик ҳикоясида лаганбардор Қурбонбойнинг кирдикорлари фош этилган бўлиб, у ҳатто садоқат ва вафодорликда итчалик эмаслиги, ҳайвондан-да баттарлиги очиб берилган.

Адибнинг “Қоракўз Мажнун” ҳикоясида иймон-эътиқодли Саодат кампирнинг “ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихон”га қараганда итнинг ўзи яшаган, туз тотган жойига, эгасига садоқати таъсирчан ёритилган. (Саид Аҳмад, 88). Ҳикояга итнинг айнан вафодорлиги туфайли жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвонлардан бири, яъни “Асҳоби қаҳф”нинг ити экани ҳақидаги ҳадис эпиграф сифатида бежиз келтирилмаган.

Қоракўз Мажнун ўзини боққан Саодат кампирнинг гапларини тушунарди. Айниқса, кампир уни “қаёқларда қолиб кетдинг” деб уришса, гуноҳкорона бош эгиб турарди. Бироқ кампирнинг ўттиз икки йил олдин ўрислар орасида уйланиб қолиб кетган ўғли Бўрихон онасининг “Қаёқларда юргандинг?” деган гапларини тушунмай, елка қисиб қўя қолади. Сабаби у

она тилини унутган эди. Шунда кампир: “Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан”, – дейди ўғлига (Саид Аҳмад, 95). Укалари билан русча оҳангда “Салям” деб кўришади. Айниқса, она ўғлининг бўйнидаги занжир учида осилган бутни кўриб, унинг диндан чиққанига чидай олмайди.

Бўрихон армия хизматини ўтаган жойида, ўрмон ичкарасидаги қишлоқ бутхонаси кўнғироқчисининг эрдан қолган қизига ошиқу беқарор бўлиб, қиз отасининг талабига кўра христиан динини қабул қилиб, черковда чўқинтирилиб, тож кийганча никоҳдан ўтади. Қайнотаси вафотидан сўнг эса унинг ўрнига черков кўнғироқчилигини бажаради. Черковдаги шамларни янгилаб туради.

Хуллас, ҳикояда ўзлигини, динини, урф-одатларини йўқотган, яқинларини унутган Бўрихон (Боря) образи Қоракўз Мажнундай ақлли, одамлардай садоқатли итга зид кўйилади. Чунки Қоракўз Мажнун эгаси Саодат кампир ўлгандан кейин ҳам унинг хотираси билан, унинг овозини кўмсаб яшайди. Ҳатто бу нарса унинг ўлимига ҳам сабаб бўлади. Кампирнинг невараси бувисининг тирик вақтида итга айтган гапларини магнитофон лентасига ёзиб олган бўлади. Шуни қўйганда ит кампирни тирик деб ўйлаб роса вовиллайди. Унинг овозидан хуноби ошган киши итни отиб кўяди. Қоракўз Мажнун кампирнинг овози келаётган болохона томонга юзини бурганча, жон таслим қилади.

Адиб баъзи асарларида кинояни нутқий мулоқот жараёнига сингдириб кўллаган. Бунда киноя бадий асар (драма)нинг тил сатҳида намоён бўлган. Айни пайтда бу каби киноялар тасвирланаётган воқеликка ўқувчи ёхуд томошабин муносабатини ҳам англата олади. Шунингдек, у бадий асарнинг ғоявий-мавзуй, сюжет-композицион жиҳатларини ҳам қамраб олиб, унинг умумий бадий структурасини белгиловчи омилга айланади.

Киноя – воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабатни таъминловчи категориялардан биридир. У асарга ўзига хос комиклик бахш этиш имконига ҳам эга. Шу хусусияти сабаб кўпинча сахна асарларида кинояга алоҳида ўрин ажратилиши кўзга ташланади.

Саид Аҳмад асарларида киноя, аввало, ижтимоий адолатсизликларга қарши янграйди. У орқали ёзувчи ижтимоий иллатларни фош этишга уринади. Адиб асарларида киноянинг кучайишига олиб келган иккита асосий ижтимоий-психологик омил мавжуд эди. Булардан биринчиси – даврнинг ижтимоий шарт-шароити, одамларнинг турмуш тарзи, яъни объектив омил бўлса, иккинчиси – айти шу шарт-шароитларда етилган ва ижодкор шахсида намоён бўлган ижтимоий дард-кайфият, яъни субъектив омилдир.

Саҳна асарларида воқеликка киноявий муносабат драматизмнинг янада ортишига туртки берадики, шу жиҳатдан улар бир-бирини тўлдиради. И.Мананников фикрича, киноя персонажлар диалогигача бўлган ҳолатдир (И.В. Мананников, с.14-17). Дарҳақиқат, “Келинлар кўзғолони” комедияси мисолида бу назарияга ёндашилса, қайнона ва келинлар нутқий мулоқоти (диалог)даги кесатик-пичинглар орқали ифода этилган киноя аслида жамиятга хос муносабатлар акси эди.

Саид Аҳмад асарларида мақоллар, фразеологизмлар, мифологик образлар, қарғишлар киноявий нутқ воситасига айлантирилган. Масалан, адибнинг “Азроил ўтган йўлларда” ҳикояси “Собиқ шўро терговчилари кўлида азоб чеккан юртдошларимга бағишлайман” деб кўрсатилган (Саид Аҳмад, 148). Ўз-ўзидан аёнки, бунда азроил образи орқали собиқ шўро терговчилари образига киноя қаратилмоқда. Бу ҳикояда мифологик персонаж воситасида давр воқелигига киноя қилинаётгани англашилади.

Адибнинг “Қишдан қолган қарғалар” ҳикоясида етим жиянини талабалигида ташлаб қўйган, меҳр кўрсатиш ўрнига уни ишлатиб ҳаққини тўламаган, очкўз, худбин, қонунбузар тоға-холаларнинг кирдикорлари фош этилган. Жияни вақти-соати келиб, министр даражасига эришгач, уларнинг эсига тушади ва ундан яна фойдаланиш, болаларини “ёғли” ишларга жойлаштириш мақсадида уни ёқлаб келишади. Адиб бундай тошмеҳр қариндошларни қишдан қолган қарғаларга ўхшатган. Ҳикоя шундай кинояли парча билан хотималанган: “Уларни қишдан қолган қарғалар деб, ўз ишингни

килавер! Билиб қўй, саратон қанча қизиса, совуқ кунларни соғинган қарғалар шунча каттиқ қағиллайди” (Саид Аҳмад, 129).

Хуллас, киноя Саид Аҳмад асарларининг нафақт юксак ғоявийлиги ва бадийлигини, энг муҳими, уларнинг халқчиллиги ва таъсирчанлигини таъминловчи муҳим омиллардан бирига айланган.

### **Адабиётлар**

Мананников И.В. Ирония как снятие тоталитарного сознания // В кн.: Тоталитаризм и тоталитарное сознание. – Томск: Томский Антифашистский комитет, 1996. – С. 14-17 // <http://tvfi.narod.ru/manan1.htm>

1. Саид Аҳмад. Қоракўз Мажнун: ҳикоялар. – Т.: “Сано-стандарт”, 2016. – 232 б.

### **ҲАЁТГА МАФТУН АДИБ**

Абдулла УЛУҒОВ,  
Ф.ф.н. ТошДЎТАУ доценти

**Аннотация:** Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад (Хусанхўжаев) (1920 – 2007) замонавий ўзбек адабиётининг ёрқин вакилларидан биридир. Унинг ҳикоя, қисса, роман, драмалари, хотира-ёдномалари ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутади. Адибнинг асарлари мактаб, олий ўқув юртлари дарсликларига киритилган. Саид Аҳмад шўро тузумининг зулм, зўрликка асосланган мудҳиш сиёсати азобларини тортган. У ўтган аср 50-йилларида шўро тузумига қарши миллатчилар гуруҳи аъзоси, совет давлатига қарши зарарли ғоялар тарғиботчиси сифатида айбланиб, қамоққа олинган ва Қозоғистоннинг Қарағанда вилояти Жезқазған лагерида қамоқхона азобларини тортган. Лекин у озодликка чиққанидан кейин ҳам туҳматга учраб, қамоққа олингани, у ерда бошидан кечирганларини қаламга олмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ёзган “Қора кўз мажнун” ҳикоялар тўплами (2002), “Йўқотганларим ва топганларим”,

# Мундарижа

## I

### САИД АХМАД ИЖОДИ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Баҳодир КАРИМ. Саид Аҳмад ҳикояларида образлараро зиддият.....	2
Шавкат ҲАСАНОВ. Саид Аҳмад – хотиранавис.....	6
Ўраева ДАРМОНОЙ, Ўраева ГУЛШОД. Саид Аҳмад ижодида киноя.....	11
Абдулла УЛУҒОВ. Ҳаётга мафтун адиб.....	15
Исломжон ЁҚУБОВ. Саид Аҳмад феномени.....	23
Обиджон КАРИМОВ, Гўзалхон МАМАЖОНОВА. Саид Аҳмад – шахс ва жамият иллатларини фoш этувчи санъаткор .....	32
Dilmurod XOLDOROV, Sadoqat ERKINJONOVA. Said Ahmad hikoyalarida uslub muammosi.....	39
Олим УСМОНОВ. «Қорақўз мажнун» ҳикоясида садоқат ва хиёнат мавзуси талқини .....	44
Умида РАСУЛОВА. Саид Аҳмад киссаларида инсон ва давр тасвири.....	46
Ozodaxon BOLTABOYEVA. Said Ahmadning antroponimlar vositasida kulgi yaratish mahorati .....	49
Рухсора ТУЛАБОЕВА. Саид Амад “Сароб” ҳикоясида қахрамон трагизми .....	53
Завқиддин СУВОНОВ. Ёш ёзувчилар ғамхўри .....	56
Д.З.РАСУЛМУХАМЕДОВА. “Уфқ” трилогияси: адибнинг бадиий маҳорати .....	60
Rohila SUVONOVA. “Yo‘qotganlarim va topganlarim”dagi esse janri xususiyatlari .....	66
Саидова БИБИ РОБИАЪ. Қахрамонлар руҳиятида ёлғизлик талқини .....	69
Abdunabi TO‘YCHIEV. Adabiyotdagi ijodiy bardavomlik .....	73
Хуршида РАҲМОНОВА. Саид Аҳмад ва Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида образлар табиатининг қиёсий таҳлили .....	77
Namdamova SHAMSHODA. Said Ahmad ijodida onalar obrazi .....	86